O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

# НАВРЎЗИ ОЛАМ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*


# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 24 март ЧОРШАНБА ● № 23 (12.243)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz


## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Азиз дўстлар, муҳтарам меҳмонлар!

Биз орзиқиб кутадиган, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи – Наврўзи олам қутлуғ қадами билан ўлкамизга кириб келмоқда.

Мана шу улуғ айём билан сиз азизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли юртдошлар!

Наврўз барчамиз учун азал-азалдан аввало табиат уйғониши, шарқона янги йил дебочаси, маънавиятимизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий, асл миллий байрам сифатида азиз ва мўътабардир.

Ҳақиқатан ҳам, бу дилбар фаслда офтоб чарақлаб, еру кўкни қиздириши билан биз ҳам ўзимизни худдики янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз, юракларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда янги куч-ғайрат жўш ургандек бўлади.

Айни шу мунаввар кунларда инсон табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида Наврўз қувончини ўз яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам кўришга интилади.

Айни шу гўзал паллада бетакрор Ватанимизнинг барча гўшаларида – Фарғона водийсидан Сурхон тоғларигача, Қорақалпоқ диёридан Самарқанд боғларигача, Тошкент воҳасининг ям-яшил қир-адирларигача – халқимиз, кексаю ёш юртдошларимиз табиат билан уйғун бўлиб, сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзни катта хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Саховатли заминимизда яшайдиган барча-барча инсонлар, қайси миллат, қайси элат вакили бўлишидан қатъи назар, бу ажойиб байрамни ягона оила бўлиб, шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Айни шу дамларда халқимизга мансуб бўлган бағрикенглик ва меҳрибонлик, кексаларнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтож ва кўнгли ярим одамларга беминнат ёрдам бериш каби юксак фазилатлар яна ва яна бир бор ўзининг тасдиғини топмоқда.

Бу буюк ва бетакрор айёмнинг яна бир ноёб хислати шундаки, баҳор келиши, гулчечаклар очилиши билан ҳар қайси инсон ўз оила аъзолари, қадрдонларини бағрига босиб, нафақат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам қутлаб, соғлик-омонлик, бахт ва омад тилайди, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, аҳиллик тобора мустаҳкамланиб боришини, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Неча минг йиллик тарихдан маълумки, Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёмни Халқаро Наврўз куни деб тан олгани албатта бежиз эмас ва бу барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Қадрли дўстлар!

Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яхши ният ва хайрихоҳлик билан қарайдиган, мамлакатимиз тараққиёти учун катта кўмак бераётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, чет эл ваколатхоналари вакилларига, узоқ-яқиндаги дўсту ҳамкорларимизга самимий миннатдорчилик билдириб, уларни чин дилдан қутлашга рухсат этгайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Кўкламнинг беғубор нафаси уфуриб турган, деҳқонларимиз янги орзу-умидлар билан ерга уруғ қадаётган шу қутлуғ паллада барчангизни бағримга босиб, Наврўз байрами билан яна бир бор муборакбод этаман.

Шу гўзал майдонга файз бериб ўтирган муҳтарам фахрийларимизга, мунис опа-сингилларимизга, чеҳрасида хуш кайфият, куч-ғайрат порлаб турган ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Илоҳим, мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган Янги йилимиз Ватанимизга тинчлик, бахту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин!

Ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



## ЭЗГУЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж**

Қиш уйқусидан кўз очган она табиат янги кунга юз тутди. Димоққа дилни орзиқтирадиган ифор – баҳор нафаси урилади. Кўклам шабадаси уйғотган сабзалар нафис гиламдек кўзни қувнатади. Бодроқдек гуллаган ўрик шохларида, қоқигулларнинг хушбичим ғунчаларида кўклам суврати намоён. Насимлар оғушида жажжи болакайлар зумрад майсалар орасидан чучмомаларни теради. Мусаффо осмон бағрида чарх уриб учаётган қалдирғочлар қўшиғи юракларда ажиб ҳислар уйғотади.

Борлиқдаги уйғониш, яшариш ва янгиланиш юртимизга боқий байрам, меҳру оқибат, қут-барака рамзи – Наврўзи олам кириб келганидан мужда беради.

Одамлар қалбига чексиз қувонч бахш этадиган Наврўз неча минг йиллардан буён халқимиз асраб-авайлаб, эъзозлаб келаётган гўзал қадриятларимиздан...

23 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 11.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдоннинг атрофида анвойи ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди. Саҳна теграсида ўрнатилган турфа гуллар жонланиб, қуёшнинг заррин нурларида жилоланади. Бундай файзли манзаралар кўнгилларга ҳузур бахш этади.

Шундай фараҳбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаётган ҳамюртларимизнинг кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, элу юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш ураётир.

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши, Янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саррин куй оғушида кўз ўнгимизда баҳорнинг ажиб манзаралари, ям-яшил қир-адирлар, гулларга бурканган водийлар, чаппар уриб гуллаган боғлар намоён бўлади.

...Саҳнага жажжи болакайлар кириб келади, майдон уларнинг шўх-шодон кулгуларига тўлади. Фарзандларимиз ижросидаги кўкламни, бахтиёр боланикни, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувноқ дамларини мадҳ этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар шодиёна аҳлини завқлантириб юборади...

Наврўз – баркамоллик, навқиронлик ва гўзаллик фасли. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши навқирон авлодга беқиёс шодлик, ғурур ва ифтихор бағишлади.

(Давоми 2-бетда).

## Вилоят ҳаёти

### БЕКОБОД ТУМАНИ

#### КЎКЛАМ ТУҲФАСИ

**Янги ҳаёт қишлоғи "Наврўз" кўчасида яшовчилар учун бу йилги баҳор айёми қўшалоқ байрамга айланиб кетди.**

Кўчадаги 17 хонадон тўлиқ газлаштирилди. Бунинг учун давлат ҳисобидан 11 километрга яқин газ қувурлари тортилди. Йил охиригача қишлоқдаги 530 хонадон тўлиқ газлаштирилади.

**Саида РАҲМОНОВА.**

### ПАРКЕНТ ТУМАНИ

#### ХИСОРАК АҲЛИ ХИЗМАТИДА

**Хисорак қишлоғидаги янги врачлик пункти махсус лойиҳа асосида қурилиб, беморлар учун барча шароитлар яратилди. Газ, иссиқ ва совуқ сув масаласида муаммо йўқ. Олий, биринчи ва ўрта тоифали тиббиёт ходимлари 9800 аҳолига малакали хизмат кўрсатишмоқда.**

– "Саломатлик – 2" лойиҳасига мувофиқ олиб келинган 5,9 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар беморларга тўғри ташҳис қўйиш ва самарали даволаш имкониятларини анча кенгайтирди, – дейди врачлик пункти раҳбари Йўлдошбек Ёдгоров.

Яна бир эътиборга лойиқ томони шундаки, қишлоқ врачлик пунктида ёш оналар мактаби ташкил этилган бўлиб, унда икки ёшгача фарзанди бор болани тўғри парваришлашга оид тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

### ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ

#### ДЕПУТАТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**Алишер Навоий номли маҳаллада ЎзЛиДеП фаоллари ва туман кенгаши депутатлари маҳалла вакиллари ва фахрийлар билан учрашишди.**

Унда маҳалла фуқаролари ўзларини ўйлантириб келаётган фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашишди.

Учрашув сўнгида ҳудуддаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**


2010 йил учун ОБУНА давом этмоқда

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси – 205.




МАЪНАВИЯТ

## ТАРБИЯ ТАНАФФУС БИЛМАЙДИ

### Ғунча ва шамол

Қайсидир мультфильмда ажабтовур оҳанг болаларни эргаштирганлиги ифодаланган. Худди шу каби ёвуз мақсадлар ҳам ҳамиша мурғак қалб қизиқишига мос шакллар билан ниқобланади. Айтайлик, баҳор эпкини туфайли дарахт ғунчалари чангланиб, мева тугади. Бироқ ўша шамол сал қаттиқроқ эсса ғунчаларни узиб ташлайди – дарахтни мевасиз қолдиради. Шу сингари бугунги барча ўйинчоқ, мультфильм ва компьютер ўйинларини ҳам болалар учун мўлжалланган ва эзгулик билан йўғрилган, деб бўлмайди. Улар орасида она алласи билан кирган миллий руҳни емириш, фарзандни ота-онага, укани акага қарши қўйишдек хуфиёна мақсадлар сингдирилгани ҳам йўқ эмас. Чунки босқинчиликни ялов қилиб кўтарганлар ҳар доим сопини ўзидан чиқаришга уринади.

Мутахассислар таъкидлашича, гўдак она вужудидаёқ маълум даражада ташқи муҳит таъсирида бўлар экан. Бу жараёнда онанинг қандай ният қилиши, қанақа асарлар ўқиши, қанақа мусиқа тинглаши, қандай кино кўриши чақалоқ ривожланишига ижобий ё салбий таъсир кўрсатади.

Шу маънода, жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Эътибор бергандирсиз: мамлакатимиз шаъни учун майдонга чиққан спортчилар ғалаба қозонганда одамлар барча ташвишларини унутади. Бу наинки дахлдорлик туйғуси, балки фахр ва ғururнинг ёрқин ифодасидир.

Фарзанднинг "тили чиқиши" оилада ўзига хос байрамга айланади. Бироқ собиқ тузум даврида ўз исмидан уялиш "мода" бўлгани учун ҳам Гулчеҳралар "Гуличка", Нуриддинлар "Нурик" бўлиб яшади. Адибларимиздан бирининг таъбири билан айтганда, Кларалару Мэлслар – ўтган асрдаги миллий фожианинг бир кўриниши эди. Бу иллат, афсуски, XXI асрга ҳам ўтди. Бугунги "Гуля"га ўзининг Гулираъно эканлигини эслатиш – ўзликни англаш жараёнининг муҳим қисми. Исм одамга кимлигини эслатиб турадиган илоҳий неъмат, миллий ифтихордир.

Бола қалби борлиқни дастлаб товуш-овоз орқали танийди. Она алласи воситасида бола руҳига эзгу тилаклар, улуғ аждодлар ўгити, муносиб ворислик масъулияти жо бўлади. Миллий куйларимиз, достонларимиз, давлатимиз мадҳиясини эшитиб улғайган бола эртага чин ватанпарвар бўлиб етишади. Бироқ бугун айрим ҳолларда дўмбира садосидан кўра барабаннинг "гусур-гусур"и, халқ достонларидан кўра "рэп" намуналари, Алпомишдан кўра "Ўргимчак одам"нинг овози баланд келаётгани ачинарлидир.

(Давоми 4-бетда).

ҚАРОР ВА ИЖРО

**Ўзбекистон пилла етиштириш бўйича дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарори соҳанинг янада юксалишида муҳим дастуриламал бўлаётир.**

## ҲАДЕМАЙ МАВСУМ БОШЛАНАДИ

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги пиллачиликни ривожлантириш бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилда 25 минг тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси – пилла тайёрланади. Бунинг учун 455,5 минг қути ипак қуртини парваришлаш зарур.

Ипак қурти уруғининг сифатли тайёрланишини таъминлаш мақсадида уруғларни жонлантирадиган инкубаторияларнинг қарийб 70 фоизи қайта таъмирланди ва жиҳозланди. Ҳар бир инкубаторияга ипак қурти уруғларини жонлантирувчи иккитадан инкубист жалб этилмоқда. Мазкур уруғларни тарқатишда вилоятлардаги мавжуд тутзорлар ва тут баргларининг миқдори эътиборга олинади.

Соҳадаги муҳим тадбирлардан яна бири пиллакорлар билан шартнома тузишдир. Қабул қилиш корхоналари билан фермер хўжаликлари ўртасида пилла етиштириш юзасидан контрактация шартномалари тузиш якунланди. Айни кунларда фермер хўжаликлари билан пилла етиштирувчилар ўртасида меҳнат шартномалари тузилмоқда. Ипак қурти боқувчиларнинг тажрибасини ошириш мақсадида уларнинг барчаси жойларда ташкил этилган қисқа ўқув курсларига жалб этилмоқда. Ҳозир ипак қурти боқувчиларни бўнак пули ҳамда барча зарур жиҳозлар – формолин, тўшама қоғозлар, термометр билан таъминлаш юмушлари давом этаётир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

## «МЕТАЛЛУРГ» ЁШЛАРИ ҒОЛИБ

**Шу йил 10-17 март кунлари Наврўз байрамига бағишлаб Самарқанд шаҳрида ўтказилган III анъанавий халқаро турнирда 1996-97-йилларда туғилган ёш футболчилар иштирок этишди. Жамоалар 4 гуруҳда баҳс олиб бордилар. Қозоғистоннинг "Тараз" ва Туркманистоннинг "Алтын тач" клубларининг қатнашганлиги мусобақа нуфузини янада оширди.**

"В" гуруҳидан ўрин олган Бекободнинг "Металлург", "Марғилон", Самарқанднинг "Умид", Қозоғистоннинг "Тараз" жамоалари ўртасидаги беллашувлар, айниқса, кескин ва муросасиз ўтди. "Металлург" ва Самарқанднинг "Динамо" жамоаси ёш футболчиларининг финал баҳси ҳар икки жамоа мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўрганлигини намоён этди. Асосий вақт 2:2 ҳисобида якунланди. Пенальтилар сериясида эса омад бекободлик футболчиларга кулиб боқди ва улар 5:4 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Сирожиддин Тошпўлатов турнирнинг энг яхши ўйинчиси деб топилди. Фарруҳ Шукуров энг яхши ҳужумчи, Акмал Ғоипов эса энг яхши тўпурар сифатида эътироф этилди.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

# БИР ШИКОЯТ ТАРИХИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Нозима Ғаниевнанинг ранги ўзгарди, аммо ишва билан:

– Ҳазилни ҳам ўрнига қўяркансиз, – деди кўзларини сузиб.

– Ҳазил эмас.

– Байрамова. Бай-ра-мо-ва, билдингизми? – у янада энгашиб, кўкракларини стол қиррасига тираб олди.

Жабборали харитадан кўз узмай, аста сўради:

– Олдингиси-чи?

– Гатина...

– Байрамовга текканингизда шу фамилияда эдингизми?

Нозима Ғаниевна бирдан бидирлай кетди:

– Муддаоингиз нима? Ўтган-кетган гаплар билан нима ишингиз бор? Фельетон ёзиладими-йўқми, шуни айтинг! Ё – ҳа, ё – йўқ?!

– Фельетон албатта ёзилади, – шундай деди-да, Жабборали стол устидаги графиндан стаканга сув қуйиб, аёлга узатди. – Тинчланинг, Нозима Ғаниевна. Фельетон ёзилади. Лекин аввал айрим деталларни аниқлаб олиш керак. Қани, хотиржам суҳбатлашайлик-чи.

Аёл ютоқиб, сувни симирди. Жабборали эшитилар-эшитилмас яна сўради:

– Мабодо Шагидулина эмасмиди фамилиянгиз?

– ...

– Байрамов билан турмуш қурганингизда фамилиянгиз шундай эдими?

– Ҳа, Термиз шаҳрида, эвакуация госпиталида ишлаётганимда катта офицер Шагидулинга турмушга чиққандим.

– Айтинг-чи, у киши билан нима сабабдан ажрашгансиз?

– Ажралишмаганмиз. Соғлиги тиклангач, уни десант полки билан яна Афғонистонга ташлашган. Кейинчалик жанг пайтида ҳалок бўлганини айтишди. Шунга қарамай, 90-йилнинг охиригача кутдим. Кейин Байрамовга текканман.

– Бугунча шу суҳбат билан кифоялансак, Нозима Ғаниевна. Илтимос, келиб туринг. Бу фельетон ёзилишини тезлаштиради.

– Жоним билан, айланай, – аёл аввалгидек ҳарир қўйлаги этакларини ҳилпиратиб, ўрнидан қўзғалди.

6

Хаёллар Жабборалига тутқич бермай қўйди. Кундалик ишлардан бўшагани ҳамон у Абдулҳақ Усмонович гап орасида собиқ хотинининг олдинги фамилияси Шагидулина бўлганлигини айтиб қолмаганида, калаванинг учини топа олмасмидим, деб ўйларди.

Байрамов дастлабки суҳбат чоғида Жабборалига Термиз шаҳар ички ишлар бошқармасидан олган хатини кўрсатди. Унда афғон уруши ногирони Шагидулин Абдулла Шайхулович 1988 йилгача Термиз шаҳрида яшаганлиги, кейин кўчиб кетганлиги маълум қилинган эди.

Жабборали оппоқ қоғоз устида турган ручкани қўлига олиб, шоша-пиша ёза бошлади. "Термиз шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғига..." У афғон уруши ногирони Шагидулин ҳақида имкони борича батафсил маълумот беришни сўраб ёзган хатини Термизга факс орқали узатди.

Икки кундан кейин ички ишлар бўлимининг навбатчи офицери таҳририятга кириб келди. У орзиқиб кутилаётган, ҳозиргина олинган факсни топширди.

"Газета таҳририятига.

Хатингизга жавобан шуни маълум қиламиз: Шагидулин Абдулла Шайхулович ҳозир Қозон шаҳрининг Ёйиқ кўчасидаги 15-уйда яшайди.

Термиз шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р. Абдураҳмонов".

Жабборали жавобни ўқиб чиққач, туман алоқа бўлимига отланди. Бошлиқ Икромжон Ҳабибуллаев хонасида экан, воқеани тушунтирди, Шагидулин билан телефон орқали боғланишига ёрдам беришни илтимос қилди.

– Уй телефони бўлса, икки-уч соат ичида улаб беришади, гаплашасиз, – деди у Шагидулиннинг манзилини ёзиб олар экан.

Шаҳарлараро телефон уст-ма-уст жиринглади. Жабборали дастакни кўтарди:

– Эшитаман.

– Шагидулин ила суйлашигиз...

7

Келишилганидек, Жабборали воқеани қисқача баён қилиб, Абдулла Шайхуловичга хат тайёрлади. Шу куниёқ уни "авиа" билан Қозон шаҳрига жўнатди.

Бу орада Нозима Ғаниевна арзимга эътиборсиз қарапти деб, туман ҳокимлигига шикоят қилди. Ҳоким ўринбосари Ғулом Қодиров Жабборалидан изоҳ талаб қилди. Уни ҳужжатлар, далолатномалар, Қозон шаҳрига жўнатилган сўровноманинг нусхаси билан таништиришга тўғри келди. Суҳбат пировардида ўринбосар гапни қисқа қилди:

– Ҳар ҳолда тезроқ якунлашга ҳаракат қилинг.

Шу куни кечки пайт Нозима Ғаниевна таҳририятга яна шовқин солиб кириб келди. Жабборалининг Шагидулин ҳақидаги саволларига жавоб бериб:

– Айтдим-ку, – деди, – афғон урушида ҳалок бўлган.

– Қай аҳволда ундан ажралиб қолганингизни ёзиб берсангиз, – Жабборали унга оқ қоғоз билан ручка узатди.

– Жоним билан...

Аёл тез-тез ёзди-ю, бир сидра ўқиб, Жабборалига узатди.

"Тушунтириш хати.

Мен, Байрамова Н. Ғ. 1986 йили Термизда Шагидулин А. Ш.га турмушга чиқдим. Эвакуация госпиталида даволангач, уни яна Афғонистонга жўнатишди. 1987 йили унинг вафот этганлигини эшитдим.

Байрамова Н. Ғ."

Кунлар ўтиб борарди. Августнинг охирларида Шагидулиндан орзиқиб кутилган жавоб хати келди.

(Давоми бор).

## МАЪНАВИЯТ

# ТАРБИЯ ТАНАФФУС БИЛМАЙДИ

Кейинги вақтларда оммабоп клипларда шаҳвоний ҳирсни қўзғовчи ҳаракатлар, кимнидир машина уриб кетгани ё отиб ташлангани ҳақидаги бузғунчи кадрлар ҳам акс этмоқда. Улар телеканаллар орқали намойиш этилмагани билан турли дисклару мобиль телефонлар орқали бир зумда тарқалаётганини инкор этиб бўлмайди.

Маърифат ва жаҳолат ўртасидаги азалий кураш бугун одамларнинг онги ва қалбида кечмоқда. Ҳар бир оиладаги бола хонасида "Шашмақом", "Дилхирож" ёки Моцарт, Бетховен мусиқалари янграб турса, фарзанд қалбига "рэп"нинг тумтароқ гижбадабанги эмас, мумтоз санъатнинг асл оҳанглари сингади.

### Учинчи минг йиллик боласи

Мамлакатимизда барча хайрли ишлар ёш авлод келажаги учун амалга оширилмоқда. Билимдон, меҳнатсевар ва имон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг бойлигидир. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан узлуксиз таълимга асос солиниши нафақат маориф соҳасида, балки халқимиз ҳаётида тараққиёт сари дадил ташланган муҳим қадам бўлди.

Узлуксиз таълимнинг илк босқичи бўлмиш мактабгача таълим жараёни мамлакатимизда "Учинчи минг йилликнинг боласи" таянч дастури воситасида амалга оширилмоқда. Бу дастур болаларни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида жисмонан, ақлан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялашга йўналтирилган.

Мактабгача таълим жараёнида болага жисмоний машқлар, ақлий билим ва маънавият сабоқлари ёшига мувофиқ тарзда ўргатилмоқда. Бу таянч дастур бўйича чоп этилган ижодий асарлар тўплами муҳим қўлланма бўлмоқда.

Тўпламдаги ўзбек ва жаҳон халқлари эртаклари, шеърлар, масаллар, ривоят ва ҳикоялар мазмундорлиги, миллий ва умуминсоний мезонларга таяниши билан қадрлидир. Лекин ундан жой олган айрим ҳикоя, эртак ва шеърлар камчиликлардан ҳам ҳоли эмас.

Зеро, учинчи минг йилликнинг боласига мўлжалланган тўплам мультфильму компьютер ўйинлари билан рақобатлаша оладиган даражада бўлмоғи лозим.

### Ўйинчоқ эрмак эмас

Тарбия жараёнида қўғирчоқларнинг роли беқиёс. Аммо болага ҳар куни янги мазмун берадиган қиёфа керак. Бугунги персонажлар эса кам, устига-устак аксарияти эски. Ўша-ўша чол ва кампир, ўша-ўша ним табассумли – "яхши" ва оғзи-бурни қийшайган – "ёмон" қиз...

Ўйинчоқлар сотиладиган расталарда эса боланинг тасаввур ва тафаккурини чалғитадиган қўғирчоқлар талайгина. Қизлар учун "Beautiful girl" ("Соҳибжамол қиз"), "Vogue girl" ("Қизлар модаси") сингари номлар остида ярим-яланғоч қизчалар, "Sweet" ("Ширин") сериясида эса пардоз-андоз буюмлари; ўғил болакайлар учун "Wristler" ("Курашчи"), "Combatant" ("Жангчи"), "Turtles" ("Тошбақалар"), "Dragon ballo" ("Аждар нафаси"), "Impact" ("Зарба") серияларида оғзи бурни ваҳшиёна иржайган ғайритабиий махлуқлар, "Wiser berserker" ("Ақлли довдираш") сингари темир қутилардаги роботлар сони кундан-кун кўпайиб бораётир.

Бундан ярим аср муқаддам АҚШнинг Висконсин штатида Рут Хандлер "Барбара Миллисент Робертс" – "Барби" исмли қўғирчоқни "дунёга келтирди". Асосан 3-12 ёшли қизалоқларга мўлжалланган, балоғатлик белгилари бўрттириб ишланган, ярим-яланғоч кийинтирилган "Барби"лар "Mattel" фирмаси (АҚШ) эмблемаси остида 150 мамлакатга жўнатилди. Оқибатда америкалик Синди Жексон исмли аёл "Барби"га ўхшаш учун 29 маротаба пластик операция столига ётди. Ғарбдаги айрим мамлакатларда ҳатто президентликка номзод баъзи шахслар "Барби"дан ўз карьерасида фойдаланди. Бироқ бугун "Барби"нинг болалар психологиясидаги салбий реакцияси ва ғайриахлоқий "фазилатлар"ини кўпчилик англаб етди.

Бугун фарзандларимиз тасаввурида ярим-яланғоч "Барби"-ю "Лилия", ғайритабиий "Ўргимчак одам"-у "Ниндзя-тошбақа"ларга ўрин қолмаслиги учун Алпомиш ва Барчиной, Тўмарис ва Широқ сингари миллий қаҳрамонларимизнинг кўмаги жуда зарур. Зеро, ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланади. Гўдак улғайгач қайси йўлни танлаши ҳам кўп жиҳатдан унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлганига боғлиқ.

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида ўйинчоқ ва қўғирчоқларга тарихимизнинг ибратли қаҳрамонлари, халқимизнинг бой ва бетакрор эстетик дунёсини акс эттирадиган персонажлар, миллий қадриятларимиз асос қилиб олинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб алоҳида таъкидлаган. Ҳақиқатан ҳам, шундай ўйинчоқлар йиғмаси борки, улар жамланса, хориждаги бирор бир шаҳар намоён бўлади. Шу сингари Регистон ёки Мустақиллик майдони акс эттирилган миллий ўйинчоқлар тизмаси олис қишлоқдаги болада ўз Ватани, миллати ва аждодларига бўлган ҳурматни янада мустаҳкамлайди. Қолаверса, бу борада, миллий ўйинчоқлар ясаш лойиҳалари бўйича республика кўрик-танловлари ва ярмаркаларнинг ташкил этилиши ҳам халқ амалий санъати усталари билан мактабгача таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг янада кучайишига хизмат қилган бўларди.

...Улуғ аждодларимиздан мерос муқаддас йўлни муносиб давом эттириш учун чопон кийиб, белбоғ бойлаш-у, чойхонада палов дамлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўзбек феноменида асрлар оша яшаб келаётган ор-номус, меҳр-оқибат, уят-андиша – буларнинг барчаси ўзининг олдида жавоб бериш масъулиятидир. Ҳар бир бола тийнатида эса ўша улуғ қадриятлар суяк сурики табиий. Фақат уни англаш, шакллантириш, камолга етказиш керак, холос.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



*– Етказганига шукр, ҳалимдан олинг, биродар.*
**Азамат АҲМЕДОВ сурат-лавҳаси.**

## ҚАТРА

# ПОСАНГИ

Йигит дарвозага яқинлашаркан бироз туриб қолди. Ичкаридан Мафтунанинг баралла бақираётгани эшитилиб турарди. Тўғрироғи, қиз кимнидир жеркиб, уришарди.

– Шу ҳам кийимми, аллақачон модадан қолиб кетган. Буни киймайман дедимми, киймайман. Янгисини олиб берасиз! Шу чоққача қўлимга тилла занжир олиб бермадингиз, сиз ҳам онамисиз? Отам ҳам сизнинг дастингиздан ўлиб қутулди.

Йигит тахтадек қотиб қолди. "Наҳотки, шу Мафтуна бўлса?" Онасини беаёв ҳақоратлаётган севгилисининг асл юзини кўргандай бўлди-ю, бошидан бир челак совуқ сув қуйилгандек юраги музлаб кетди ва беихтиёр қўлидаги лолаларни ғижимлаб ташлади.

Кўришганда ипакдек мулойим, минг андиша билан гапирадиган, ҳеч қачон одоб доирасидан чиқмаган қизнинг суратию сийратидаги қарама-қаршилик наҳотки, осмону ерчалик бўлса?! Бугун онасига андишасизлик қилиб, овозини баландлатаётган қиз келин бўлгач, қандай каромат кўрсатади? Ўз онасини тупроққа қораётган фарзанд қайнонасини не кўйларга соларкин?!

Йигит шуларни ўйлаб бораркан, қалбида қарама-қарши икки туйғу ғалаён кўтариб, тарозининг икки палласидан жой олди. Бири – беғубор муҳаббати. Иккинчиси йигитлик шаъни, ҳамияти. Тарозининг иккинчи палласи оғир келди, шекилли, йигит риёкор қиз муҳаббатига қўл силтаб кетди.

**Аллома АЗИЗОВА.**

## БУ – ҚИЗИҚ

### «ХОНДА»ДАН ИМТИЁЗ

*Япониянинг "Хонда" компанияси томонидан харидорларга янги имтиёз яратилди. Унга кўра, эски машинасини топшириб, ўрнига янги автомобиль харид қилаётганлар 1,7 минг АҚШ доллари миқдорида чегирмага эга бўлади.*

*Компания раҳбарининг айтишича, фақат шахсий автомобиль эгаларигина бундай чегирмадан фойдаланиши мумкин. Харидорларга яратилган ушбу имконият автомобиль савдосини яхшилашга ва экологик муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади. Боиси, таъмирга муҳтож эски автоулов янги машинага нисбатан атроф-муҳитга кўпроқ зарарли газларни чиқаради.*

Утерянный квалификационный аттестат I категории специалиста рынка Ценных Бумаг № 2509 (002536) от 03.07.2008г., выданный ЦККРЦБ РУз на имя Иногамовой Рано Закировны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

# ОТА УЙ

Ғани отани қишлоқда танимайдиган одам йўқ. У бир умр деҳқончилик қилиб, рўзғор тебратди, ўғил-қиз ўстирди, ўқитиб, уйли-жойли қилди.

Бир кам дунё экан. Ғани ота нафақага чиққач, тўшакка михланиб қолди. Кампири Ойхумор момо чолини оёққа турғазиш учун елиб югурди. Кўрсатмаган шифокори, табиби қолмади. Ғани отага ёпишгани унча-мунча дард эмас экан. Куну-тун шифтга термулиб ётишдан бошқа иложи йўқ. Ойхумор момо чолига далда бўлишга ҳаракат қилади:

– Чол, бардам бўлинг, бу кунларни кўрмагандек бўлиб кетасиз. Ўғлимиз Воҳиджон отамиз оёққа туриб кетсин, деб жон койитмоқда.

– Ҳа, кампир, шу Воҳиджон кўпроқ ўзимга тортди. Лекин, келин тушмагур кўрсроқ. Биз боримизда эрига вижир-вижир қилаётган бу келин эртага ўғлимизга кун берармикин ишқилиб?

– Сиз ҳам сезибсизда. Кўпам сиқилаверманг. Ҳозирги ёшларни биласиз. Сиркаси сув кўтармайди. "Эр-хотиннинг уриши, дока рўмол қуриши", деган гап ҳам бор. Бир зумда уришиб, дарров ярашиб ҳам олишади. Ҳа, айтмоқчи, ҳадеб ўғлингизнинг ёнини олмай, унга ҳам бир-икки оғиз бир нима деб қўйинг. Эртаю-кеч бекор юрибди. Ишлаб, учтўрт сўм пул топиб келмайдиган эркак хотинининг кўзига ёмон кўринаверади. Келиннинг овози баландлаётгани шундан. Кўзимиз очиқлигида бирор касбнинг бошидан тутса яхши бўларди. Ҳозир уни олдингизга киритаман.

Воҳиджон отаси яқинига тиз чўкди.

– Болам, раҳматли отам "бойлик ва мансаб ортидан қувмай, яхшилик ва яхшиларнинг этагини тут, шунда эл-юрт назаридан қолмайсан", деган эди. Сен ҳам менинг бир гапимни ёдингда сақла ва амал қил. Мана шу ҳовли-жой сенга омонат. Биздан кейин чироғини ёқиб ўтир. Бошингга қандай қийинчилик тушмасин, ота уйини сота кўрма.

– Хўп бўлади, ота.

– Яна бир гап, болам. Онанг иккимизнинг кўзимиз очиқлигида бирор ишнинг жиловини тут. Ишламайдиган эр қайси хотинга ёқади? Ишлаб, пул топмас экансан бошинг жанжалдан чиқмайди.

– Келинингизнинг қошқовоғига қараб ўтириш ўзимнинг ҳам жонимга тегди. Иш топилса, шу бугуноқ бошлаб юборардим, ота. Иш излаб Қозоғистон ё Россия томонларга борсаммикан, деб ҳам ўйлаб юрибман, – деди Воҳиджон.

– Э-э, болам-а, ўзга юртларда нима бор? Ўзим сенга бир иш топиб қўйганман. Тунов куни дўстим Фармон келганди. Биласан, унинг ўғли Ёрқин ҳозир катта фермер. Гектар-гектар ери бор. Унга билагида кучи бор йигитлар керак экан.

– Хўп ота, сиз айтгандек қиламан.

Ўша куни Фармон ота дўстига берган ваъдасини бажарди. Ўғли Ёрқинга айтиб, Воҳиджонни фермер хўжалигига ишга олдирди. Аммо орадан кўп ўтмай Ғани отага ёпишган дард уни бу дунёдан олиб кетди. Бу ҳам етмагандек, чолининг қирқи ўтмай, Ойхумор момо ҳам омонатини топширди. Кетма-кет йўқотиш Воҳиджонга қаттиқ таъсир кўрсатди. Боз устига хотини Гулсанам ҳам дилидагини тилига чиқарди:

– Ҳой, ўзи қанақа эрсиз? Шунчалик ҳам гўл, латта бўласизми? Сиз тенгилар данғиллама ҳовли солишяпти, машина минишяпти. Хотин, бола-чақасини қўғирчоқдек кийинтириб қўйишяпти. Сизчи, сиз... Отангиздан қолган кетмонингиз-у, ямоқ тушган керзавой этигингиздан бўлак ҳеч вақоингиз йўқ. У қулоғингиз билан ҳам, бу қулоғингиз билан ҳам эшитиб олинг. Ҳозироқ оёғингиздаги этикни ечиб, елкангиздаги кетмонни ирғитасиз. Мен уйимизга харидор топганман. Уни мўмай пулга сотиб, шаҳардан уй оламиз. Умримнинг охиригача шундай ночор кун кечириб, итнинг кейинги оёғи бўлиб қолишни истамайман.

– Нима дединг?! Бекорларни айтибсан. Энди кўнгиллари шаҳарда яшашни истаб қолибди-да! Ҳеч қачон, бундай бўлмайди. Мен ота уйини сотадиган аҳмоқ эмасман!

– Сотамиз дедимми, сотамиз. Бу уй-жой сизга эмас, менга тегишли. Чунки мен... Икки боланинг онасиман. Так что, бу уй-жой ўз-ўзидан меники ҳисобланади. Уни сотаманми, бузиб ташлайманми, хоҳишим.

– Ҳой, хотин, ҳаддингдан ошма. Ўша сен айтаётган икки боланинг отаси эканлигимни унутма.

– Сотаман дедимми, сотаман... Агар кўнмасангиз сиз билан ҳам ажрашаман. Бошқа гапим йўқ...

Ота уйи сотилгач, Воҳиджон одамови бўлиб қолди. Хотини шаҳардан уй сотиб олгач, оиласи билан кўчиб кетишди. Эрининг ўзгариб қолганини сезган Гулсанам уни шифохонага олиб бориб, кўрикдан ўтказди.

– Эрингиз нимадандир қаттиқ сиқилган кўринади. Асаб тизимлари анчагина чарчабди. Уни зудлик билан шифохонага ётқизиш керак. Акс ҳолда оқибати яхши бўлмайди. Миясига қон қуйилиши ёки телба бўлиб қолиши мумкин, – деди шифокор.

– Вой шўрим, энди нима қиламан? Қолган гулдек умримни шу телба эр билан ўтказаманми? Йўқ, асло...

Шифокорлар ҳар қанча уринишмасин Воҳиджонни аввалги соғлом ҳолатига қайтара олишмади. У телбасифат бўлиб қолди. Гулсанам бу орада унинг касаллигидан фойдаланиб, қонуний ажрашиш режасини пишитди. Қишлоқдан келган амакиси Воҳиджонни шифохонадан чиқариб, ўз уйига олиб кетди.

... Ҳозир Воҳиджон қишлоқда амакисининг ҳовлисида яшайди. Унга амакиси ҳовли этагидан ҳужра солиб берган. Воҳиджон ҳар тонг қишлоқ айланади. Унинг доимий борадиган жойи – қишлоқдаги Хонтепа. Бу тепаликдан у энг бахтиёр болалик кунлари ўтган ота уйини томоша қилади. Мана бугун ҳам у Хонтепага чиқиб кетмоқда. Шу билан у куёш ўз ётоғига бош қўйгандагина ўзи яшайдиган мўъжазгина кулбасига қайтади...

**Латифжон МАНСУРОВ.**

## Кулганга нима етсин...

### ДАСТУРХОНДА... ҚЎШИҚ

*Теша қизиқ бир куни ўғиллари – Эгамназар билан Абдуназарга тўй қиладиган бўлиб қолибди. Бу хабарни эшитган туман каттаси қизиқникига ҳовлиқиб келибди.*

*– Уйингда бир қоп пиёз ёки йиғиб қўйган бир сўм пулинг йўқ, ҳаммани тўйга айтиб юрганмишсан?.. Тайёргарлигинг йўқ-ку, ахир! – дебди қизиққа.*

*– Бу ёғи Жўрахон Султоновдан тортиб Маъмуржон Узоқовгача, Юсуфжон қизиқдан бошлаб, Охунжон қизиққача ҳаммасини айтиб келдим – тайёргарлик шунчаликда! – дебди Теша қизиқ кулимсираб.*

*– Уларнинг олдига дастурхон солишни ҳам ўйлаяпсанми?*

*– Энди, – қизиқ чаккасини қашлабди,- одам орттирганини дастурхонга қўяди. Менинг орттирганим қўшиқчи биродарларим, қизиқчи дўстларим. Шуларни дастурхонга қўяман-да!*

## РАССОМ ХАНДАСИ




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 12361. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00. 1 2 3 4